

ҚОНУН ОЛДИДА БАРЧА ТЕНГ

...юк эгаси Янгийўл шаҳар ИИБ ходими Н.Халибаевага юкларни манзилига етказиб беришда ёрдам бергани учун унга доимий равишда 20-30 минг сўмдан пул бериб турган.

2
БОТ

«ТАДБИРКОР» ПРОРЕКТОР

Шундай одамлар бўладики, йиллар давомида тинимсиз меҳнат қилади, аммо меҳнатлари самарасини кўраётган бир пайтда биргина қалтис қадам билан жува кўп нарсани бой бериб қўяди.

4
БОТ

ФИРИБГАР ФОЛБИН

Уйга келиб билишса... бир кечалик меҳмон бўлган «қароматўй» Мухайса уларнинг 2 млн 260 минг сўмлик тилла тақинчоқ, нақа пул ва уяли телефонини яширинча ўғирлаб кетган экан.

10
БОТ

ОҒУФУРУШ ТАЛАБАЛАР

Сан-Диего университетининг 75 нафар талабаси наркотик моддалар билан савдо қилганликда гумон қилиниб, қамолка олинди.

11
БОТ

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

2008-yil 8-may, № 19 (592)

БОШ ПРОКУРАТУРАДА

БАРКАМОЛ АВЛОДГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Республика Бош прокурори, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси Рашидтон Қодиров бошчилигида мазкур комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Навоий ва Хоразм вилоятларида ўсиб келаётган авлодни ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, соғлом турмуш кечириши учун кўмак ва кенг имкониятлар яратиш, воёга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш борасидаги ишлар ахволи муҳокама қилинди.

Шунингдек, ўтган йили ҳудудий комиссиялар томонидан давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож бўлган 138 мингдан зиёд болага амалий ёрдам, 6 минг нафар ҳуқуқбузар болаларга тўғри йўл-йўриқлар кўрсатилганлиги, ёш авлодни она Ватанга меҳр-муҳаббат, эътиқод, жасурилик ва фидойилик руҳида тарбиялаш мақсадида «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 17 мингта бошланғич ташкилотларига 5 млн. нафардан ортиқ ёшлар жалб қилинганлиги, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида барча таълим муассасаларида ҳуқуқий ва тарбиявий ишларни урчушулар ташкил қилинганлиги қайд этилди.

Маълумотларга кўра ўтган йили ишисиз юрган 23 минг 132 нафар ёшлар иш билан таъминланган, 3961 нафар талабага ўқув кредитлари, 377 нафар тадбиркорга микрокредитлар ажратилишига ёрдам берилган. 52 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, ёшлар учун 656 та янги иш ўринлари яратилган.

Йиғилишда ёшларнинг долзарб

муаммоларини ечиш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мақоини оширишда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, ёш авлоднинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда «Камолот» ЁИҲга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда воёга етмаганлар муҳитида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, тарбияси оғир ўқувчиларни тўғарақлар ва маданий-маърифий тадбирларга кенг-роқ жалб қилиш, таълим муассасаларида ёшлар ташкилотлари фаолиятини жонлантириб, мазкур тоифадаги ўқувчилар билан тарбиявий тадбирлар ўтказишда етакчилар имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлис кун тартибидagi масала юзасидан «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси, комиссия аъзоси А.Алимовнинг ҳисоботи шитилди.

Йиғилишда, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосарлари Р.Қосимов ва С.Инамова иштирок этди.

Отабек Қўлдошев,
Бош прокуратура бўлими бошшиги
вазифасини бажарувчи



ВАТАНПАРВАРЛИК, ЖАСОРАТ, ФИДОЙИЛИК

Хар йили юртимизда нишонланган келинаётган «Хотира ва қадрлаш кўни» тантаналарини аждодлар жасорати ва фидойилигига эҳтиром, бугунги осуда ва тинч ҳаётимизга бўлган шукроналикнинг бир ифодаси десак янглишмаймиз.

Мустақиллик йилларида юртимизда аждодлар хотирасига эҳтиром кўрсатиш қадрият сифатида қайтадан кўз очди. Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган юртдошларимиз порлоқ хотираси учун хотира майдонлари, зиёратгоҳ ва қадамжолар, уларнинг шони йўллари билан баён қилувчи музейлар барпо этилди.

Инсоният ҳали ҳамон унута олмаётган Иккинчи жаҳон уруши ўз номи билан жаҳон уруши эди. 30 миллион инсоннинг ёстиғини куриган бу урушдан жабр кўрмаган халқ,

ҳеч қачон унутилмайди

мамлакат деярли қолмаган. Бу уруш Ўзбекистон халқи бошига ўз қўлақасини солгани, бир ярим миллиондан зиёдрок юртдошимиз унда бевосита иштирок этиб, эришилган буюк ғалабага беқийс ҳисса қўшгани тарихий ҳақиқатдир.

Уруш йилларида халқимиз дунё халқлари олдига ўзининг нималарга қодир эканлигини намойиш этди. Миллионлаб юртдошларимиз фронт ортида туриб фидоқорона меҳнатлари билан ғалабага қўшган ҳиссасини авлодлар ҳеч қачон унутмайди.

Шу билан бирга бағрикенг ўзбек халқи уруш йилларида инсонпарварликнинг юксак намунасини кўрсатиб, Президентимиз таъбири билан айтганда «Уша оғир, бир

бурда нон танқис бўлган йилларда уруш тудайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, қанчадан-қанча етим-есирларнинг бошини силади». Бу миллат тарихи саҳифаларига абдий муҳрланган воқеалардир.

1946 йил. Уруш даврида Ўзбекистонга эвакуация қилинган поляк болаларини Польшага қузатиш пайти. Поляк миллий бирлик ҳукумати вакили Ружа халқимизга миннатдорчилигини шундай изҳор қилган эди. «Йиллар ўтар... Бугун биз ўз юртимизга қайтиб кетаямиз, биз ўзимиз билан Силалар асраб қолган келажагимиз — фарзандларимизни олиб кетаямиз».

(Давоми 3-бетда).

СЕМИНАР

Халқаро ҳамкорлик ришталари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида «Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда тергов органларининг вазифалари» мавзусидаги илмий-амалий халқаро семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Республика Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти ҳамда БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида, шунингдек, халқаро экспертлар иштирокида ташкил этилди. Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ҳамда туман-шаҳар прокуратураларининг терговчилари қатнашди.

Олий ўқув курслари бошлиги Толибхон Умаров ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Ш.Баркин-Кузимин семинарни очиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек, бошқа ижтимоий муносабатларни жинсий таъовуллардан муҳофаза қилиш, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда замонавий технологиялар, глобал ахборот тармоқлари ресурсларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлади.

Халқаро эксперт, Франция судьяси Давид Аллонсоё Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига устувор йўналиш сифатида эътибор берилмаётганини таъкидлаб, ёшларга оид қўнуларни қўллаш, унинг амалий жиҳатлари хусусида ҳам батафсил тўхтаб ўтди.

Семинар давомида қизгин ўтган жонли мулоқот натижасига кўра ёшлар ҳақидаги қўнучилиқни қўллаш самардорлигини ошириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

2008 йил 6 май куни Бош прокуратурада Франция Адлия вазирлиги вакили жаноб Давид Аллонсоё билан учрашуви бўлиб ўтди. Мазкур учрашув БМТ Болалар фондининг (ЮНИСЕФ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.

Учрашув чоғида меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг тузилиши, мақсад ва вазифалари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасидаги функциялари ва фаолиятининг бошқа устувор йўналишлари, шунингдек, оналик ва болаликни, воёга етмаганларнинг манфаатларини муҳофаза қилишнинг конституциявий кафолатларига асосланган

миллий қўнучилиқ билан таъинириди.

Меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган воёга етмаганлар ишлари бўйича Республика комиссиясининг фаолияти, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТ Болалар фондининг (ЮНИСЕФ) минтақавий ваколатхонаси билан ювенал адлия, воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва муҳтож болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқий ҳамкорлик ҳақида ахборот берилди.

Жаноб Д.Аллонсоё воёга етмаганларга нисбатан одил судлов тизимини янада ривожлантиришга қаратилган чора-та-

бирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлардан қониқши ҳосил қилганлигини билдирди.

Учрашув якунида томонлар ишчанлик ва самимий руҳда ўтган мулоқотдан манъун эканликларини ҳамда бундай бевосита алоқалар Бош прокуратура ва ЮНИСЕФ ўртасида бир қатор масалалар юзасидан ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Шерзод ШАРҚОПОВ,
Бош прокуратура бўлими
прокурори

Республикамизда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг кутилган натижаларни бериши кўп жиҳатдан қонунийлик ҳужжатлари ижросини сўзсиз таъминлашга боғлиқ. Мухбиримизнинг Хоразм вилоят прокуратурининг ўринбосари, адиля катта маслаҳатчиси Худойқул ТУРДИБОЕВ билан суҳбати йилнинг дастлабки чорагида прокуратура органлари томонидан ҳудудда қонунийликни таъминлаш ва вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси юзасидан амалга оширилган назорат тадбирлари хусусида бўлди.

корхонада иш ҳақидан умумий қарздорлик 394 млн. сўмни ташкил қилган. «Туямўйин-Урганч» минтақалараро сув қувурликларида фойдаланиш бошқармаси, Урганч экскаватор заводи ва деярли барча туманлардаги машина трактор парклари томонидан иш ҳақлари вақтида тарқатилмаган. Бундай қонунбузарликлар юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунлар ижроси юзасидан 543 та текширишлар ўтказилиб, натижалари бўйича 3,8 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Қўпол қонунбузилишлар бўйича 104 та ҳолатда жиноят ишлари кўзғатилди.

— Бу йил Президентимиз томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилиниб, махсус

таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган.

Кам таъминланган оилалардаги спорт билан мунтазам шуғулланаётган 2900 нафар бола 125 млн. сўмлик спорт кийим ва анжомлари, шунингдек, ёғзи дам олиш оромгоҳлари, умумтаълим мактаблари ҳамда болалар спорт мажмуалари 162 млн. сўмдан зиёд спорт анжомлари ва коттоқлар билан таъминланди.

Кўрсатилаётган гамхўрликларнинг самараси сифатида қўплаб ёшларимиз спорт ва фан йўналишларида ўз иқтидорларини кўрсатишмоқда. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари Республика олимпиадаларида умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгалдадилар. Алмати шаҳрида ўтказилган ёш физиклар халқаро олимпиадасида Ҳазорасп туманидаги 1-сонли ихтисослаштирилган мактабнинг 11-синф ўқувчиси Дониёр Жу-

рид қонунлар ижросини таъминлаш, ўсимлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг таъминлаш бўлими, соғлиғи ҳамда меҳнат муҳофазасига оид қонунлар ижросига қаратилди.

156 та ноқонуний қабул қилинган қарорлар протестлар асосида қонунга мувофиқлаштирилди. Қонунбузилишларни бартараф қилиш ҳақида тегишли идораларга 351 та тақдимома киритилди.

Прокурор тақдимомаси ва қарори асосида мансабдор шахсларнинг 489 нафари интизомий, 210 нафари маъмурий ва 19 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, 47 та қўпол қонунбузилишлар юзасидан жиноят ишлари кўзғатилиб, 14 млн. сўм миқдоридagi моддий зарар айбдорлардан ихтиёрий ундирилди.

Ўтказилган текширишларда қонунга зид

НАЗОРАТ САМАРАСИ ЙЎЛИДА

— Худойқул Тўраевич, суҳбатимиз аввалида йилнинг дастлабки чорагида ҳудудда қонунийликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар хусусида гапириб берсангиз?

— Жорий йилнинг ўтган чорагида вилоят прокуратураси органлари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Қонунлар ижросини аниқ ва бир ҳилда таъминлаш борасида прокуратура органлари ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини мувофиқлаштириб, белгиланган режа асосида фаолият юритмоқда. Бу вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда криминоген вазиятга ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Таъдилларнинг кўрсатишича, вилоят иқтисодиёт тармоқларида ўсиш кузатишмоқда. Пул-кредит муносабатлари сезиларли даражада барқарорлашди.

Бирок, бюджет ташкилотларига иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг вақтида тўланиши таъминланган бўлса-да, айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан иш ҳақларини беришда қонун талаблари бузилаётгани аниқланди. Мониторингта олинган 12 та

давлат дастури ишлаб чиқилди. Ҳозирда дастур мутасадди ташкилотлар томонидан қандай яқро қилинмоқда?

— Аҳолининг қирқ фоиздан зиёдирини вояга етмаганлар ташкил этадиган вилоятимизда ҳам дастур ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ёшларнинг қомил инсон бўлиб етишишларининг дастлабки муҳим шарти ҳисобланган таълим жараёнига алоҳида эътибор қаратилган.

Мактаб таълимининг ривожлантириш умумийлиги дастурига асосан вилоятда қўплаб таълим маъсасалари қурилди. Биргина ўтган йили 1 та мактаб янгидан қурилди, 26 таси реконструкция қилинди. «Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси» ҳисобидан 6 та спорт зали фойдаланишга топширилган бўлса, ҳомийлар маблағи ҳисобидан ҳам болалар спортини ривожлантиришда муайян ишлар амалга оширилди. Хивада болалар спорт мажмуаси, Урганч туманида спорт майдончаси, Бобоғ туманида маданият саройи ва Урганч шаҳрида футбол мактаб-интернатига спорт зали қуриб берилди. Бу йил ҳам бу каби тадбирлар давом этмоқда. Дастур асосида янги мактаб ҳамда коллежлар қуриш ва мавжудларини

маназорор кумуш медалга сазовор бўлди.

Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга ипотека ва истемол кредитлари бериш амалиётидан ҳам кенг фойдаланишмоқда. Юзлаб ёшлар бу тур кредитларини олиб, ўз уй-жойларига эга бўлдилар. Истемол кредитлари тўғрисида рўзғори учун зарур маъиший анжомларни сотиб олишди.

Вилоятимизда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган йили коллеж битирувчиларининг 78,6 фоизи иш билан таъминланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда. Ёшлар учун энг катта ижтимоий ҳимоя уларнинг бандлигини таъминлашдир. Хар бир коллеждан битирувчиларнинг камда беш нафарига миқрокредитлар олиб бериш амалиётини кўллаш ниятидамиз. Бу борада тегишли мутасаддилар томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

— Шу ўринда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик аҳоли, таълим соҳасига ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш хусусида гапириб берсангиз?

— Бу йўналишда олиб борилган тадбирларда асосий эътибор вояга етмаганларга

йўллар билан даромад топиш илнжида бўлган айрим шахслар таълим соҳасига ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштириб, талон-торож қилишгани аниқланди. Урганч шаҳридаги «Жайхун-Жайрон қурилиш» хусусий корхонаси раҳбари Х.Мадаминов қалбак ҳужжатлар тақдим этган ҳолда танловда ғолиб чиқиб, 2007 йилнинг март-июнь ойларида 8-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлашда сохта ҳужжатлар тузган ҳолда 12 млн. сўмни ўзлаштирган. Ҳазорасп туманидаги 44-сонли умумтаълим мактаб директори Худайкулов эса сохта тўлов рўйхатлари тузиб 10,7 млн. сўм, Урганч шаҳридаги 96-сонли мактаб-интернат директори И.Абдураҳманов ўринбосари Ш.Худойберганов билан ишчи-хизматчиларга берилиши лозим бўлган 4,4 млн. сўмни ўзлаштиришган.

Ўтган йили халқ таълими тизими ходимлари томонидан 33 та жиноят содир қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқ. Барча ҳолатларда айбдорларнинг жавобгарлиги масаласи қонуний ҳал қилинди.

— Мазмуни суҳбатимиз учун раҳмат. Улли БОБОЕВ суҳбатлашди

— Фахриддин Аззамович, 2008 йилнинг 1-чораги якунланганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Чорак таҳлили ҳақида нималар дея оласиз?

— Жорий йилнинг 1-чораги давомида бошқарма ходимлари томонидан ҳўжжани муҳофаза қилувчи ҳамда назорат органлари билан ҳамкорликда 230 та текширув ўтказилиб, 62 та ҳолатда маъмурий ҳўжжабозарликка доир ва 168 та ҳолат бўйича жиноят ишлари кўзғатилди. Текширувлар натижасида давлат ва жамият манфаатига жами 1 млрд. 328,7 млн. сўм зарар етказилгани аниқланиб, 96,5 млн.

лик ва мансаб ваколатларини суиистемол қилаётгани ҳақида ОАВ-да бот-бот чиқишлар қилинмоқда. Ана шундай жиноятларнинг олдини олиш борасида қандай ишлар қилинляпти?

— Ўтказилган тадбирлар натижасида мансаб ваколатларини суиистемол қилган 2 нафар банк, 1 нафар ички ишлар ва 3 нафар бошқа идора ходимлари жиноий жавобгарликка тортилган. Шулардан 3 нафари пора олиш жиноятини содир этган.

Бундай жиноятларнинг олдини олиш борасида тезкор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда ана

дан рўйхатдан ўтган хусусий тадбиркор Қ.Ҳасановнинг 2007 йилнинг октябрь-ноябрь ойларидаги фаолияти юзасидан текшириш ўтказди. Қ.Ҳасанов 2007 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Житой Республикасида ишлаб чиқарилган 34 дона «HAFEI-HF6370G» русумли автомобилларни импорт қилган. ДСИга топширган ҳисоботида 2007 йил 31 октябрдан 2008 йил 13 январгача мазкур автомобиллардан 20 донасини чакана йўл билан 148 млн. сўмга сотганлигини кўрсатган. Лекин олди-сотти шартномалари ўрганилганда унинг айби очиқ бўлди. Тадбиркор расмийлаш-

Бу борада қилинаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Саволиниг ўринли. Бу борада муайян ишлар қилинаётганига қарамастан, четдан товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва муомалага киритилиши тўхтамаяпти. Ўтказилган тадбирларда 51 та ана шундай қонунбузарликлар аниқланиб, 21 та жиноят иши кўзғатилди. 30 та ҳолатда маъмурий иш юриштирилган. Ҳўжжабозарликлардан жами 239 млн. сўмлик ТМБлар олиб қўйилди.

Шу йилнинг 13 март куни Тошкент туман ҳудудида навабдаги тадбир ўтказилди. Тадбирда туман

ҚОНУН ОЛДИДА БАРЧА ТЕНГ

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Фахриддин ҲАМДАМОВ билан суҳбат

сўми ундирилди. Давлат бюджетига ҳисобланган 939,1 млн. сўм қўшимча солиқ ва мажбурий тўловларнинг эса 260,9 млн. сўми ундирилди.

Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида жами 381,3 млн. сўмлик, жумладан 14,1 млн. сўмлик спирт-ли ичимликлар, 4,3 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари ва 369,9 млн. сўмлик бошқа турдаги товар-моддий бойликлар олиб қўйилиб, улардан 59,8 млн. сўмлиги сотилиши таъминланди. Рақамлардан муайян ишлар амалга оширилган.

— Кейинги пайтларда айрим ИИБ, банк ва маҳаллий ҳокимият идоралари ходимларининг порахўр-

шундай тадбирлардан бири Янгийўл шаҳрида ўтказилди. Шахарнинг Беруний кўчасида фуқаро А.Ҳалимов бошқарувидаги «Отайўл» русумли, 11 АК 350 давлат рақамли автомашина тўхталиб, салон кўздан кечирилганда, фуқаро М.Бекназовага тегишли бўлган, чет элда ишлаб чиқарилган, ҳўжжасиз, 2 турдаги 124 қути сақиб ва 3 турдаги 239 қути «Лапша» маҳсулотлари борлиги аниқланган. Фуқаро М.Бекназовадан ушбу маҳсулотларни қаердан олганлиги сўралганда, у буларни 2008 йил 13 март куни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида боғхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали маҳсулот олиб кириш би-

бўлган жами 6,1 млн. сўмлик ТМБлар ҳамда «Отайўл» русумли автомашина далилий ашё сифатида олинди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилди.

— Ҳозирда айрим тадбиркорлар энгиз автомобилларини сотиб олиб, устига отини калласидек «шапка» қўйиб сотиши ўзларига касб қилиб олишди. Улар даромад кўришляпти-ю, бироқ солиқларни тўлашга келганда...

— Тўғри айтасиз. Қизиги, бундай ишбилармонлар ҳўфна ишларини озкинон ҳеч ким билмайди, деб ўйлайди.

Департаментнинг Зангиюта туман бўлими туман ДСИ ходимлари билан ҳамкорликда Зангиюта ДСИ-

тирилган олди-сотди шартномаларини давлат рўйхатига қўйиш даврида 6 фоизли йўл фонди суммасини тўламаслик мақсадида шартномалардаги суммаларни 128 млн. 400 минг сўмга камайтириб кўрсатган. Натижада йўл фонди учун 7 млн. 704 минг сўм кам ҳисобланганлиги ва тўланмаганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилди.

— Тошкент вилоятининг айрим туманлари Қозғоғистон ва Тожикистон республикалари билан chegarados. Қилинаётган саъй-ҳаракатларга қарамастан ана шу ҳудудлардан айланма йўллар билан ноқонуний, сифатсиз маҳсулотларнинг кириб келиши тўхтамаяпти.

нинг М.Фозилов кўчасидаги 4-уйда фуқаро М.Одилов томонидан ноқонуний равишда Қозғоғистон Республикасида худудимизга айланма йўллар орқали олиб ўтилган, чет элда ишлаб чиқарилган 79 турдаги 37 млн. 92,5 минг сўмлик аёллар ҳамда болалар кийим-кечаклари сақланаётганлиги аниқланди. ТМБлар далилий ашё сифатида олинди, мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатилди.

Мақсадимиз — юқоридagi каби қонунбузарликларга қарши курашиш, иқтисодий тизимини янада юксалтиришга ҳисса қўшишдир.

Суҳбатдош: Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Буюк галабаларга ҳеч қачон осонлик билан эришилмаган. Урушда биргина Ўзбекистоннинг ўзидан салкам ярим миллион ўғлон жанг майдонларида шахид бўлган, урушдан ногирон бўлиб қайтганлар ва умрбод мажруҳ бўлиб қолганлар бундан-да кўпроқни ташкил этгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Жорий йилнинг 24 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниб, унга кўра 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган



Инсон қадри улғу, инсон хотираси муқаддас!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 2 мартдаги «9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармонига кўра бу кун хар йили умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинмоқда. Мухтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Агар миллат ўзининг порлок келажagini қурмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳаммаша уйғоқ бўлмоғи лозим. Хотира — азиз туйғу. Миллатнинг тириклиги, барҳаётлиги ва ҳатто келажаги ҳам ўз ўтмишига доир хотиранинг уйғоқлигига боғлиқ.



Халқ эъзозиди

Хотирасидан, қадриятдан, урф-одатларидан жудо қилинган халқ, миллат, шубҳасиз, таназзулга юз тутайди. Хотира ва қадр туйғулари ёш авлод онгига чуқур сингсагина, улар қалбидан буюк аждодларимизга муносиб вохирлар бўлиб етишиш истаги уйғонсагина, жамият тараққиёт сари юз буради. Ёшлар ўтмишини англаб етса тез улғаяди, ўйлаб қадам босади, нақадар улкан ва муқаддас масъулият зиммасига юклатилганлигини мушоҳада этишга киришади. Агар биз ўтмиш аждодларнинг хотирасини улғуласак, Ватан, миллат манфаатлари йўлида кун фидо қилган ватандошларимизни унутмасак, мангуликка дахлдор ишларни ривожлантирсак, биздан кейинги авлодлар ҳам бу ишни айнан шундай давом эттиради.

Бугун жаҳоннинг кўплаб минтақаларида нияти бузуқ кучлар қуролли можаролар чиқаришга, тинч ва осуда ҳаёт маромини бузишга, қуролли тўқнашувлардан моддий манфаат кўришга интилаётган бир пайтда уруш ва унинг битмас жароҳларини тўғрисидаги ҳақиқатни ёш авлод онгига чуқур сингдириб боришимиз керак. Қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишимиз, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоятимизда ҳам нафақат урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган «Мотамсаро она» ҳайкали ва бошқа ёдгорликлар, балки узоқ ўтмишда ўтган аждодларимиз қабристонлари ҳам тартибга келтирилиб, ободонлаштирилади.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладими, улардан фақат яхшилик, яхши ном, эзгу амаллар қолади. Барча соҳаларда бўлганидек, прокуратура тизимида ҳам

ВАТАНПАРВАРЛИК, ЖАСОРАТ, ФИДОЙИЛИК

ҳеч қачон унутилмайди

ғалабанинг 63 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш вазифаси белгиланди.

Бу ҳам уруш қатнашчиларига, улар кўрсатган жасорат ва фидойиликка ҳурмат-эҳтирмининг бир кўринишидир. Аслида кекса авлодга ҳурмат кўрсатиш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш миллий қадриятларимизга хос анъанадир. Бу анъана бугун ҳам жамиятимизнинг ҳар бир бўғинида ўзини намоён қилиб, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтиб келмоқда.

Жумладан, 2002 йилда Бош прокурор ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Марказ ўзидан прокуратура органларида кўп йиллар самарали меҳнат қилган 232 нафар фахрийни бирлаштирди. Жойларда Марказнинг худудий бўлиmlари ташкил этилиб, раислари сайланган.

Ҳар йилнинг бошидаёқ Марказ томонидан фахрийларимизни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан мадад бўлиш, ҳолидан хабар олиш, байрамларда зиёрат қилишга доир тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Бу борада прокуратура раҳбарияти

бизнинг жамоатчилиги Марказимиз билан ҳамфикр бўлиб, фаолиятимизда яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Фахрийларимиз ҳолидан хабар олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Яна шунинг ҳам ифтихор билан айтиш мумкинки, прокуратура фахрийлари орасида ҳам Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб қайтган, узоқ йиллар шу соҳага меҳнати сингган табаррук инсонлар кўпчилигини ташкил этади. Урушдан омон қайтган 80 га яқин прокуратура ходими урушдан кейинги қийинчилик йилларида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноatchиликка қарши кураш борасида фаолият юритиб келишган. Айни пайтда ана шундай фахрийларимиздан 13 нафари ҳаёт, улар ўзларининг бой ҳаётий тажрибалари билан ёш авлодга сабоқ бериб, нурунийлик гаштини суриб келишмоқдалар. Бугун фахрийларимиз Эгамберди Ҳақимов, Рустам Муҳамедов, Александр Красиков, Николай Масленников, Соҳиб Гафоров, Сурен Микертичан, Хусанбек Абсаров, Махмуджон Турсунов, Салим Ҳамроев, Нурилла Абдуллаев, Сапарбой Доспанов, Марк Гиршфельд, Анатолий Халаимовлар ҳамон сафимизда. Улар ёш кадрларни Ватанга, касбга садоқат руҳида камол топишларида

ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Эътироф этиш керакки, фашизмга қарши курашда мардондор жанг қилиб омон қайтган ва прокуратура органларида кўп йиллар самарали меҳнат қилган Тўхта Ҳожимухамедов, Алексей Голубенко, Гемел Станкевич, Мамажон Максумов, Нор Ёқубов, Нўъмон Бўрихўжаев, Виктор Белоусов, Имом Норов, Николай Козлов, Комил Ҳақимов, Салоҳитдин Нуритдинов, Умаржон Йўлдошев, Шукур Нафетдинов, Анатолий Попов, Бахиткерей Тулябаев, Владимир Каграманов каби фахрийларимиз ҳозир қаршимизда йўқ, уларнинг хотирасини ёд этиш бизларга ифтихор туйғусини бахш этади.

Айни пайтда юртимизда 15 минг 889 нафар уруш қатнашчиси эл ардоғида умргузаронлик қилиб келмоқда. Ҳа, уларнинг сафий йиллар ўтгани сайин сийраклашиб бораёпти. Аммо улар кўрсатган ватанпарварлик, фидойилик ва жасоратга бўлган эҳтиримиимизни асло қамайтира олмайдими. Зеро, аждодлар хотираси абадийдир.

Ботир КАЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
прокуратура органлари
фахрийларини ижтимоий
қўллаб-қувватлаш
жамоатчилиги Маркази раиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист

Қадри баланд, қадди баланд устоз

Богбон нихолининг тўғри, бақувват ўсиши учун уни қишин-ёнин парвартишлайди. Бу меҳнатидан ўзи қувонади. Нихол дарахт бўлиб, мевасидан одамлар баҳраманд бўлганда эса шодлиғи олам-олам бўлади. Шунда меҳнати зое кетмаганига шукрона айтлади.

Устоз ҳам богбон мисоли шогирдлари қамолтини кўришни орсу қилади. Шу мақсад йўлида тинмай изланади. Бир кун келиб шогирдларига «устозингга раҳмат» дейишлари унинг учун катта муқофотдир. Ана шундай азиз устозлардан бири Салим ака Ҳамроевдир.

Салим ака Ҳамроев ҳозир 80 ёшда. Асли Фиждубонда туғилиб ўсган Салим Ҳамроевнинг отаси ноҳақ катарон қилинган, жуда кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. Салим ака Иккинчи жаҳон уруши жангчиларида бўлди. Берлингача бўлган йўллар, фронтдаги қийинчиликлар ўторак йигитнинг қалбидига Она-Ватанга, юртдошларига бўлган меҳр-оқибатни, садоқатни синвоҳдан ўтказди. Урушдан кўкси тўла орденлар билан юртга қайтган, олий маълумот олишга, ҳуқуқшунослик касбини эгаллашга аҳд қилди.

Самарқанд Давлат университетидида олий маълумот олган, прокуратура тизимида узоқ йиллар ишлаган. Устозлари ўғитига амал қилган Салим Ҳамроев кам бўлмади. Ёшларга билими, касбий маҳоратини астойдил ўргатди. У шогирдларини ўз фарзандидай

қўрар, кези келганда қаттиққўл, талабчан устоз эди. Сенатор, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Мажжуда Ражабова, Бухоро вилоят прокуратурасида фаолият кўрсатаётган адлия маҳалатчилари Мубина Фаниева, Муҳиддин Воҳидов, Саид Шодиев ва бошқалар устоз ўғитларига амал қилиб кам бўлишмади.

Бугунги кунда Салим Ҳамроев умр йўлдоши, узоқ йиллар елкама-елка туриб ҳам оилада, ҳам қонун устуворлиги йўлида меҳнат қилган Сора она билан кесалик гаштини суришяпти. Уч ҳиз, бир ўғил, кўплаб невараларнинг сунган тоғи бўлиш бахти насиб этган Салим акага ҳамма ҳавас қилади.

Салим Ҳамроевнинг хонадонини ҳаммаша шогирдлари, яқинлари билан гавжум бўлади. Салим ака азалдан камсуқум, камтар ва оқўнгил инсон. Шунинг учун бўлса керак устозимиз ҳамон бақувват, тетик. Олий маълумот, узоқ йиллар фарзандлари шогирдлар қамолдан масрур ва мағрур юриш Сизга насиб этаверсин, азиз устоз!



Давлат СОИБОВ,
адлия катта маслаҳатчиси



бир-бирларига чуқур ҳурмат ва меҳр-қўрқат кўрсатадиган кутлуг санандир.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 63 йил бўлди. Лекин қонли урушнинг инсонлар юрагига қолдирган жароҳати ҳамон битган эмас. Қашқадар вилоятидан фронтга кетган 45 минг 732 нафар йигитнинг 24 минг 716 нафарига ўз она юртига қайтиш насиб этмади. Бинобарин, улар ўзбек халқининг асил фарзандлари эди. Уларнинг номлари вилоятимиз маркази Қарши шаҳрининг Хотира хиёбонидаги «Хотира китоби»га зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган кекса авлод вакилларини шарафлаш, уларнинг хизматларини қадрлаб, муносиб иззат-ҳурмат кўрсатиш бизда яхши анъанага айланган. Бу галги Хотира ва қадрлаш куни арафасида ҳам Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонига мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларнинг тақдирлашнинг давлатимиз томонидан уларга нисбатан кўрсатилаётган ғам-хўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Йиллар, уруш асоратлари, шубҳасиз, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жанг-гоҳларда қон кечиб, уруш дахшатларини ўз кўзи билан кўрган, жаммики азоб-уқубатларни тортган, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган юртдошларимиз сони тобора қамайиб бормоқда. Шу боис ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, хотираларини ёзиб олиш, маъшій эҳтиёжларига эътиборли бўлиш ниҳоятда муҳим.

чин фидойи инсонлар талайгина. Уларнинг айримлари бугун орамизда йўқ. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ана шундай азиз ҳамкасбларини эслаш, орамиздаги кекса авлод вакилларини қадрлаб, ҳурматини жойига қўйиш жуда ўрикли ва бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Остон Турсунов, Саидмамат Саидов, Холбобо Хуррамов, Зоя Каримова, Файбулла Шаропов, Исқандар Жўмаев, Рашид ва Шокир Пардаевлар, Файрат Абдураҳимов, Сироҳиддин Рўзиқулов, Абдуҳамид Абдуллаев, Жуманазар Умаров, Абсамат Дўсиқиров, Шўҳрат Алмура-товлар... шундай инсонлардан эди. Уларнинг ҳар бири биз учун, ёру биродарлари, оила аъзолари учун азизу муқаррам эдилар. Аммо наchora, шафқатсиз ўлим уларни орамиздан олиб кетди.

Марҳумлар ҳақида фақат яхши гап-сўзлар айтилиши лозим, дейишари. Лекин аслида ҳам бу ҳамкасбларимизнинг барчаси том маънода юксак ҳурмат-эҳтиромга лойиқ инсонлар эдилар. Уларнинг ҳаёт йўли, иш фаолияти, малака ва маданияти, қадриятлари кўпчиликка намуна, ибрат мактаби бўла олади.

Уларнинг порлок хотираси доимо қалбимизда сақланади. Хотира муқаддас, қадр абадий. Эзгу ишлари билан эл-улус орасида ҳурмат топанлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди. Фидойи кишиларнинг қадри ҳаммаша баланд, улар доим эъзозда бўлишларига ишончимиз қомил.

Абдурашид ЖўРАЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг
биринчи ўринбосари

САҲИФАМИЗДА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ЯККАСАРОЙ ТУМАН ПРОКУРАТУРАСИ

Пойтахтимизнинг Яққасарой туман прокуратураси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда туманимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Аҳолиси 115 минг кишини ташкил этувчи туманимизда 80 дан ошқ миллият ва элат вакиллари юртимиз тараққиёти, фаровонлиги йўлида меҳнат қилиб, тотувликда умргузaronлик қилиб келишмоқда. Уларнинг муносиб турмуш кечириши, ижтимоий муҳофазаси, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш прокуратура органлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклайди. Янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун мамлакат ҳаётида юз бераётган демократик ўзгаришлар самараси бўлди. Эндиликда қонун устуворлигини таъминлаш билан бир вақтда фуқаролар

барҳам топмапти. Кўрилатган таъсир чоралари натижасида туманимизда бундай қороналар камайишига эришилмоқда. Ҳисобот даврида туманимиздаги юзлаб қороналар ичида 5 тасида ойлик иш ҳақидан қарздорлик мавжудлиги аниқланган. Улардан «Саноаткур-таъмир» ОАЖда 3 млн. 600 минг сўм, «Тошмуҳандисиншоотқурилиш» ОАЖда 58 млн. сўм,

кўрсаткичларга эришилган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш ўринлики, бу натижаларга эришишида ўтган йилларда жиноятчилик ошган ҳудудларда профилактика ва тарғибот ишлари тўғри йўлга қўйилгани ҳам муҳим ўрин тўлди.

Жорий йилнинг 3 ойда туман прокуратурасига 297 та мурожаат келиб тушганини юртдошларимизнинг прокуратурага ишончи ортиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Мурожаатларнинг 154 таси бевосита проку-

ладан, Яққасарой туманида ҳам вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давр талабидан келиб чиқиб тарбия бериш, соғлигини муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хуусан, туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида маскур йўналишида 9 та текшириш ўтказилган бўлиб, натижасига кўра 24 тақдимнома, 14 нафар мутасадди қорона-ташқилот раҳбар ва ходимларига оғоҳномалар эълон қилинган. 19 нафар шахс интизомий, 6 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. 3 та ҳолатда жиноят иши кўзга тилиб.

Барча мутасадди ташқилотлар ўртасида ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги натижасида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг камайишига эришди.

Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқувчи вазифалар ҳар бир юртдошимиз зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди. Қолаверса, мамлакатимиз пойтахтининг 2200 йиллигини муносиб қаршилаш, унинг ободончилиги ва шухратига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз саналади. Шу маънода туман прокуратураси томонидан ҳам



ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш прокуратуранинг бош мақсадига айланди.

Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жами бўлиб 6 та текшириш ўтказилган. Умумий назорат тартибида ўтказилган маскур текширишлар жараёнида тўлов интизому, ижтимоий таъминот, меҳнатта оид қонунлар, банкротлик, меҳнатга ҳақ тўлаш каби масалаларга асосий эътибор қаратилди. Текширишлар натижасига кўра прокурорлик таъсир чоралари сифатида 3 та протест, 10 та тақдимнома, 87 та оғоҳнома киритилди. Қонунбузарликка йўл қўйган мутасадди қорона ва ташқилот раҳбарлари интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 6 та ҳолатда эса жиноят иши кўзга тилиди. Шунингдек, фуқаролик судига 123 та даъво аризалари киритилган.

Маълумки, ҳамон айрим қорона ва ташқилотларда иш ҳақидан қарздорлик ҳолатлари

«Тошвилояттранс» ассоциациясида 45 млн. 700 минг сўм иш ҳақидан қарздорликка йўл қўйилган. Туман прокуратураси томонидан маскур қороналар мансабдор шахсларига тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилган. Иш ҳақидан ҳосил бўлган қарздорликни ундириш юзасидан судга 24 млн. 842 минг сўмга 122 та даъво аризалари киритилган. 2007 йил бошида 5 та қорона бўйича қарздорлик 163 млн. бўлган бўлса, ҳозирга келиб 63 млн.ни ташкил этади.

Жиноятчиликка қарши курашиш борасида ҳудуддаги мутасадди идоралар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида туман бўйича оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар, талончилик, товланчилик, ўғирлик, шунингдек, рецдив жиноятларнинг сезиларли даражада камайишига эришилди. Шунингдек, жиноятларнинг фош этилиши борасида ҳам ижобий

ратура ходимлари томонидан ҳал этилиб, уларнинг 8 таси қаноатлантирилган.

Шунингдек, шаҳар прокуратураси органлари жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига ҳам эътибор қаратиб келмоқда. Қонунчилик тарғиботи бўйича ўтказилаётган тадбирлардан кўзланган асосий мақсад фуқаролар, айниқса ёшларни Конституция ва қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши бугун ўсиб келаётган авлодга бераётган эътиборга, таълим-тарбияга боғлиқ. Мустақил йилларида эртанги кунимиз эгалари бўлган болалар ва ўсмирлар таълим-тарбиясига бўлган эътибор янада кучайтирилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалар қаторидан ўрин олди. Бу борада кенг қамровли, аниқ йўналтирилган тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жум-

Президентимизнинг юқоридagi қарори ва унга асосан қабул қилинган Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори ижросини таъминлаш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шаҳар ободончилиги ва бунёдкорлик ишларига эътибор кучайтирилмоқда.

Шунингдек, шахримиз иқтисодий салоҳиятини ошириш, кам қувватларда ишлаётган қороналар фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида ҳам муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Туман ҳудуддаги кам қувват билан фаолият юритиб келаётган 6 та қоронада бевосита учрашув ўтказилиб, фаолиятини ўнгалишига доир амалий тақлифлар ўртага ташланди.

Хулоса қилиб айтишда бўлса, юрт манфаати, халқ фаровонлиги, қонун устуворлиги йўлида изчил фаолият олиб бориш зиммасидаги бурчдир.

Азиз ҲАКИМОВ,
Яққасарой туман прокурори

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институтида узок йиллар меҳнат қилган Абдурашид Эгамбердиев институтга проректор этиб тайинлангунга қадар қанча йиллар ўтмади дейсиз. 2004 йил мартда унинг бошлаб Санъат институтининг иқтисод ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор вазифасида ишлаб келаётган А.Эгамбердиевнинг обрўйи ҳам, таниш-билишлари ҳам унга ярада эди. Кимсан институт проректори, анча-мунча жой-

раҳбариятига Ш.Йўлдошевни туман ҳокимияти ходими деб таништиради. Шу тарихка А.Эгамбердиев Ш.Йўлдошевга институтнинг эски ўқув ва ётоқхона биноларига тўсиқсиз кириши ва у ердан пулга чақса бўлади, ҳуқуқ қурилиш молларини олиб чиқиши учун имкониятни яратиб беради.

Проректор А.Эгамбердиев

Зулайхо Исмоиловалар жиноий тил бириктиришиб, «Брабус-тур» МЧЖ раҳбари Шомурод Шоабзалов билан институтда қурилиш таъмирлаш ишларини амалга ошириш тўғрисида 30 млн. сўмлик шартномани имзолашган. Топшириш ва қабул қилиш далолатномасида бажазилган ишлар ҳажми сметадан ташқари 57 млн. 695 минг 590 сўмга ошириб ҳисобланган ва бу сумма «Брабус-тур» МЧЖга тўлаб берилган. Бундан ташқари А.Эгамбердиев «Ихтироси» билан ҳеч қандай таъмирлаш ишларини бажармаган

«ТАДБИРКОР» ПРОРЕКТОР

га қўли етарди унинг. Жаноб проректор шунга яраша нафсини ҳақ тия билганда эди.

2005 йилда институт янги бинога кўчиб ўтганидан кейин, институтнинг эски биноси ва талабалар ётоқхоналаридаги жиҳозларнинг маълум қисми янги ўқув биносига кўчириб ўтказилди, маълум қисми бошқа ўқув муассасаларига тарқатилди. Мана шу жараёнда А.Эгамбердиевнинг тадбиркорлиги жўш уриб кетди. У режасини амалга оширишни йўлаб юрган кезларда унга ҳамтовоқ ҳам тезда топила қолди. У «уддабурон»ликда ўзидан қолишмайдиган Шерали Йўлдошев билан жиноий тил бириктириб, институтнинг эски биносидagi қурилиш материалларини талон-торож қилишга киришиб кетди. Бунинг учун у аввало институт

раҳнамолигида барчага ўзини «ҳокимият вакили» деб таништирган Ш.Йўлдошев эса бамайлихотир талон-торож ишларини бошлаб юборди. У ишчилар ёллаб, институтнинг эски биноси ва ётоқхонасидаги ёғоч пол, пласмасс тўсиқлар, қувурлар, регистр ва радиатор каби 17 млн. 335,3 минг сўмлик қурилиш молларини олиб чиқиб, номаълум шахсларга пуллаб юборди. Турган гапки, бу «иш»да шериги ва раҳнамосини унутмади. Тергов давомида у жиноий шериги А.Эгамбердиевга ўмарилган қурилиш материаллари учун 13 млн. сўм берганини тан олган.

Аммо «тадбиркор» проректор бу билан ҳам кифояланмаган экан. Тергов давомида аниқланган, А.Эгамбердиев ва институтнинг собиқ бош ҳисобчиси

«Сибир капитал» МЧЖга 9 млн. 938 минг 980 сўм, «Брабус-тур» МЧЖга 15 млн. 416 минг 724 сўм, «Тошкентмаҳсулсмонтаж» МЧЖ учун 4 млн. 482 минг 830 сўм пул ўтказиб бериб, жуда кўп миқдорда бюджет маблағларини талон-торож қилиб юборган.

Наманганлик ёшлар ҳам ҳўкумат миқёсида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилаётган имкониятлардан ўринли фойдаланмоқдалар. Шу боли улар орасида турли танловлар фолиблари, чемпионолар, санъат, фан ва маданият соҳаларида муваффақият қозонаётганлар сафи тобора ортиб бормоқда.

Жумладан, Наманган муҳандислик педагогика институтининг 2-курс магистранти Саида Абдуллаева «Келажак овози» танловида фолиблар қаторидан жой олган бўлса, Қобилинж Мамажонов Шатакан каратэ-до бўйича мамлакат чемпиони, «Ўзбекистон» ва «Олтин водий» кубоклари соҳиби, ўқўғонлик мактаб ўқувчиси Севара Алижоновна эса Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Сардор Турдалиев таэквон-до бўйича халқаро турнир фолиби бўлди. Бундай иқтидорли ёшлар номини яна кўллаб келтириш мумкин.

«Ёшлар йили» Давлат дастурида келажак авлодининг манфаати ва ҳўқўқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган мил-

лий ҳамда умуминсоний кадриятларга ҳўрмат руҳида тарбиялаш, ёшларда соелом турмуш тарзига интилишни шакллантириш каби вазибалар бош мақсад қилиб қўйилган. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида»ги қарорига уйғун ҳолда Наманган вилояти прокуратураси органоли томонидан ҳам самарали фаолият олиб боришмоқда.

Хўсусан, прокуратура ташаббуси билан Тўрақўғон туманида умумтаълим мактабларида таълим олаётган, тарбиясида бўшлиқ пайдо бўлган, ўқишни паст ўзлаштирувчи ва ҳўқўқбузарлик содир этишга мойил болаларни аниқлаш, улар ўртасида олиб борилаётган профилактик ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан семинар ўтказилди.

Унга Наманган шаҳри, вилоятнинг барча туманлари ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг масъул котиблари, халқ таълими бўлими мудирилари, мактаб директорлари, МФЙ маслаҳатчилари ва «Камолот» ЕИҲ вакиллари жалб қилинди. Мақсад таълим-тарбия ва ўқувчи ёш-

бўлаётгани таҳлил қилиниб, зарур вазибалар белгилади.

Вилоят миқёсида оммалаштириш лозим деб топилган шундай семинар Наманган шаҳрида ҳам ўтказилди.

Ёшларнинг истиқболи ҳақида қайғурар эканмиз, муҳим бир жихатни эътибордан четда қолдирамаслик керак. Бу ҳўқўқий маданият ва маърифатни юксалтириш. Бу жуда кўп муаммоларнинг олдини олишда фоят муҳим. Яъни ҳўқўқий саводхон ўғил-қизлар қонунларга ҳўрмат ва итлоат ҳисси билан камол топади. Демак, ўқонлашарлик оқибатини англаб, наинки ҳўқўқбузарликдан ўзини тияди, балки эзгу мақсадлари рўёбига олиб борувчи йўлни аниқ кўра олади. Шу нўқтай назардан умумтаълим, ўрта-маҳсул ва олий ўқув юртиларда, маҳалла ва бошқа маъсасаларда қонунчилик тарғиботига, уларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилсин. Бу борада ОАВ имкониятидан умумий фойдаланяимиз. Келажак авлод тафаккурини юксалтиришга қаратилган бундай тарғибот тадбирлари нафақат «Ёшлар йили»да, балки доимо фаолиятимизнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб қолаверди.

Бахтиёр ВАҲОБОВ,
Наманган вилояти прокуратурининг катта ёрдამчиси

Тошлоқдаги Тухтабоев номли қишлоқ фуқаролар йиғини худдида истиқомат қилувчи, 1983 йилда туғилган Мухлиса Қодировани биринчи марта кўрган одам асло фарибгар деб ўйламайди. Лекин фарибгарлик фаолиятини эшитсангиз, оғзингиз ланг очилиб, беихтиёр «йўғ-е», деб юборасиз.

Ха, у ўтган йил май ойида фуқаролар мулкани адаш, фарибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги учун судланиб, жазога маҳкум этилган эди. Буни қарангки, ҳали жазо муддатини тўлиқ ўтамай туриб, эски «дарди» кўзи қолган ва яна фарибгарлик билан шуғулланган. Шуниси қизиқки, навбатдаги фарибгарлик фаоли-

нига ҳам ишонтириш қобилияти бор эди. Бир зумда эски уст-бошда бўлса-да, таъсири сўзлаётган бу кутилмаган меҳмонга чеварларнинг раҳмлари келиб, парвона бўлиб қолиши.

— Ойим мени гўдаклигимда ташлаб кетган экан, — деди у дувдун кўз ёшларини тўкиб. — Бувимдан эшитиб қолдим. Иسمи Замира бўлиб, шу Олтиариқдан экан. Тўрт кундан бери излаб, суриштириб юрибман. Дараги чиқмаяпти. Ҳозир ўғай онам билан тураман. Шаронтимиз жуда оғир. Дадам ишлагани Россияга кетган. Бугун қайтиб кетай десам, кеч қолдим. Кўчада ёлғиз қолмай деб...

Унинг ёлғон ҳикоясига ишонган бир-икки чевар қизлар қиқил-

эрталабки нонушадан сўнг Мухлиса Озодоҳонга ёлғондан эснаб.

— Менга ахшилик қилганингиз учун зиённи қайтараман. Тилла буюм, пулингиз бўлса барини олиб чиқинг, дам солиб бераман.

Соддадил мезбонлар тилла тақинчоқлар ва пуллари олиб чиқиб, «дам уриш»га тайёр турган Мухлиса олди-га қўйишди. Озода-

ни чиқиб кетганида шоша-пиша хонтахта тагида турган сурп тутунчани ечиб, тилла тақинчоқ, пулдан

ҳеч вақо йўқ эди. Пул, опасининг уяли телефонидан асар ҳам қолмабди. Югуриб чиқиб бу ҳақда онасига айтди. Анча енгиллаб қолган тутунча ичини кўрган онаси жойида ўтириб қолди. Дилдора онаси изидан кўчага чопди...

Бу вақтда Озодоҳон Мухлисани кира қилиб юрган «Тико» машинаси ҳайдовчисига 6 минг сўм бериб қузатиб келаётган эди. Сингисининг гапини эшитиб, олдинга ишонмади, кейин ўзидан кетиб қолмади. Уйга келиб билишса... бир кечалик меҳмон бўлган «кароматтўғи» Мухлиса уларнинг 2 млн. 260 минг сўмлик тилла тақинчоқ, нақд пул ва уяли телефонини яширинча ўғирлаб кетган экан. Тезлик билан милицияга хабар қилишди. Қирақаш машина оғаси топилгач, фарибгар қиз изига тушилди...

Жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2007 йил 16 ноябрь кунги ҳукмига кўра фарибгарлик йўли билан ўзганинг мулкани ўғирлаган Мухлиса Қодировога 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Ўғирлаб кетган мулкнинг бир қисmini қайтарди, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборган қисми ундирилмаган бўлди.

Ҳам куладиган, ҳам ҳайрон қоладиган воқеа, тўғрими? Ҳамон дуч келган одамга ишонувчан, солда одамлар бор-да! Шундайлар фарибгар, муғомбирлар учун тайёр ўлжа бўлиб қолишмоқда.

Бошқаларга айтадиган гапимиз эса шундай: Эҳтиёт бўлинг, фарибгарлар ёнингизда «афсун» ўқиб юрган бўлмасин.

Насибулло АБДУРАҲИМОВ,
Олтиариқ туман прокурорининг ёрдамчиси

Ф И Р И Б Г А Р Ф Ё Л Ё Ў Ў

тини ўзининг туғилган кунда — 11 август кунга «қойиллатиб» амалга оширган...

Шу кун орасининг кўзини шамғалат қилиб уйларида қочиб чиқади. Марғилон шаҳридан Олтиариқ туманига қараб йўл олади. У олтиариқликларнинг очик кўнгилликларини жуда яхши билар эди. Айланиб юриб, Янгикўрғон қишлоғи марказидagi тикучилик цехи ёнидан чиқиб қолди. Ўзини афтоҳдоҳол тутиб, цех ичига кирди.

— Келинг, — дейишди чевар қизлар уни очик чехра билан қўли олишди.

Тан олиш керак, Мухлисада суҳбатдошини ўзига ром этиш, ёлғо-

лаб йиғлаб юборишди.

— Қишлоғимиздаги Замира исмли аёлларни суриштириб кўрамиз, — деди чевар қизлардан бири. — Бугун бизникида қолаверасиз, — деди катта чевар Озодоҳон унга меҳрибонлик билан.

Шу кун у Озодоҳонларникида қолди. Алламаҳалгача гаплашиб ётишди. Мухлиса суҳбат орасида эскичалдан ҳам хабардорлигини, ҳатто олдиндан кўриш, башоратгўйлик хислати борлигини ҳам қис-тириб ўтди. Уни жон қулоғи билан тинглаётган мезбонга қаршисида худди фаришга ўтиргандек туюлди...

— Уйингизга, ўзларингга ёмон кўзлар туфайли зиён етган, — деди

ҳон «Самсунг» уяли телефонини ҳам моддий бойликлар ёнига қўшиб қўйди.

Беш-ўн дақиқа нималардир деб пичирлаган Мухлиса ёнида оқ сурпда ярим бўлиб турган тилла тақинчоқлар, пул ва уяли телефонга қара-та уч марта «кўф-суф» деб қўйди.

— Энди бу буюм ва пуллари шу сурпга туғиб, хонтахта остига қўйинг, — деди Мухлиса тилла тақинчоқлардан кўз узоқламай, — икки кун бунга қарамайсизлар, қўл теккизмайсизлар. Шунда сизларга ёмон кўз билан қараган, илму амал қилганларнинг ўзига зиён етди...

Мухлисанинг аслнияти ўзи «дам урган» бойликларни ўмариб чиқиб кетиш эди. Озодоҳон чой дамлага-

қўлига сиққанича олиб камзули чўнтагига тикди. Уяли телефонини ҳам ўчириб, қўйнига солди. Кейин ҳеч нарса қилмагандай кўзларини юмиб, «эскича» ўқиб ўтираверди...

Оиланинг кенжа қизи бўлган Дилдора негадир опасининг меҳмонига шубҳаланиб қаради. Опасига Мухлиса ҳақида «фолбинга ўхшамайди, кўзлари ўйнаб тураркан», деди. Лекин опаси унга қулоқ солмади. У Мухлисани қузатиб қўйгани чиқиб кетганида ойсига кўрсатмай хонтахта тагидаги «дам урилган» моддий бойликлар турган тутунчани очиб кўрди. У янглишмаган экан. Тутунча ичиди икки-учта тилла тақинчоқдан бўлак

Умр Оллоҳ томонидан ато этилган буюк неъмат. Унинг қадрига етганлар ҳаётда эзгу ишлари билан яхши ном қолдиришди. Билъакс, ёшлиги, ҳаётини ўзининг маънавийтсизлиги, жоҳиллиги туфайли барбод этган кимсалар ҳақида гап кетса «Астафурulloҳ», дея ёқа ушланади. Зеро, бундай одамларнинг яшашдан мақсади манкурт сингари фақат қорин тўйғазини-у, нафсини қондиришдан иборатдир.

Ильдар Шамсидинов (исмлар шартли равишда ўзгартирилди) ана шундай ёмонотлик бўлиб қолишга ўзи сабабини эканини яхши билади. Биринчи марта 22 ёшида қамалган Ильдарга панжара ортидаги ҳаёт сабоқ бўлмади. 1994 ва 2003 йилларда яна суднинг қора курсида тутиришга тўғри келди. «Муборақнефтигазстрой» акционерлик жамиятига қарашли «Тру-

Кўп ўтмай ароқ ўз таъсирини кўрсатиб, Фёдор яна ичмоқчи бўлди. Аммо бу мезбонга ёқмади. Бундан жаҳди чиққан Фёдор стол устидаги пичоқни олди-да, «ҳозир сўяман» деб жазавага минди.

— Нима қилаясан?

Ильдар шундай деб унинг қўлидан пичоқни олишга урина бошлади. Фёдор қаршилик кўрсатди. Шу пайт пичоқ Ильдарнинг қўлини кесиб кетди. Қонни кўрган Фёдор ҳушёр тортиди. Кечирим сўради. Аммо кайфи ошиб қолган Ильдарни энди ҳеч нарса тўхта-та олмасди...

Фёдорнинг бўйни ва қорнига пичоқ ураётган Ильдар қўллари қонга

Кўшниси кетгач, бироз саросимага тушиб кўчага отилди. Уйдан олиб чиққан вазани дўкон сотувчисига гаровга қолдириб, бир шиша ароқ сотиб олди. Қўшниси Миша амаки билан баҳам кўргач, миясига қабих ният келди: Фёдорнинг жасадини майдалаб...

Бир қўшнисида «ғишт ташийман», деб арава, иккинчисидан болта келтириб қўйган Ильдар ўйлай-ўйлай

бўялса-да, ваҳимага тушмади. Юрагида заррача меҳр-шавқат бўлмаган, қаҳрининг қулига айланган жоҳилдан яна нима кутиш мумкин?

У Фёдорнинг жонсиз танасига қараб турар экан, меҳмоннинг сўнги сўзлари қулоғи остида эшитилгандай бўлди. «Кечир, мен беҳосдан...»

«Беҳосдан бўлмайди...», хаёлан суҳбатлашаётган Ильдар ошончада яшириб қўйган ароқдан қўйиб ичди-да, ҳеч нарса бўлмагандек уйқуга кетди.

Эртасига соат 8 ларда эшикнинг тақилишидан уйғониб кетди. Қўшниси Салима опа экан.

— Маржонанинг шапкасини кеч... — Ҳазиллашган эдим, — ўйлаб туриб жавоб берди Ильдар қизалоқнинг бош кийимини узатар экан.

— Қўлингизга...
— Ҳечқисми йўқ. Кесиб олдим, — бу сафар овози титраб чиқди.

Фёдорни сўраб келган опасини ҳам аллади. «Кўрмадим», дея қутулди.

Оралан икки кун ўтди. Негадир Ромитанда ишовчи отасидан маслаҳат сўрамоқчи бўлди.

Энди ғишт қоллидан қўчган, отанинг панд-насихатлари ҳам ҳеч нарсани ўзгартири олмасди. Бир инсон жаҳолат кўрбони бўлди. Иккинчиси 17 йил панжара ортига маҳкум этилди. Ҳар икки томоннинг ақинлари ва оиласи тақдирини ўйлаганда кўнгилдан «буларнинг айби нима?» деган ўй кечалди.

Карим ТЕМИРОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.

Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Қ А Ҳ Р Н И Н Г Қ У Л И

бодеталь» унгар корхонасига пайвандловчи бўлиб ишга жойлашганда оиласидигилар хурсанд бўлишган эди. Бироқ, одамзоднинг қалб кўзи кўр бўлса, очилиши амримақўл эканлигини ким ҳам ўйлаб қурибди дейсиз?

2007 йилнинг 2 январи. Байрам кайфияти ҳали одамлар кўнгилни тарк этгани йўқ, Ильдар жамоадoshi Фёдор Аҳмедов билан ишдан қайтар экан, у билан уфталашгисиди келди. Аввал саргарошхона, сўнтра дўконга киришди.

— Юз грамм организмга умуман таъсир қилмайди-а... — шеригига юзланди Ильдар.

— Турки-я... Аммо бошқа пул йўқ.

Бу муаммонинг ечимини Ильдар топди. Меҳмонни Когон шаҳар марказидagi уйига бошлаб келиб, «мен ҳозир...» дея дўконга гизиллади. 2 шиша ароқ, консерваланган батиқ харид қилиб келди.

«Тико»га ишқу тушган муовин



«Аъзамова Азиза» фермер хўжалиги раиси Нурилла Қодиров «Музработ пахта» ОТАЖ дарвозасидан кириб келганда жамият бош ҳисобчиси муовини Шерали Бегматов идора даразасидан уни қузатиб турарди. Сўнг ташқарига чиқиб фермерни кутиб олди. Салом-алиқдан сўнг мақсадга қўлиб кўя қолди.

— Нурилла ака, «Тико»ни сотмоқчи экансиз, менга сотсангиз. Ишқим тушиди. «От»ни ҳам «от»дек қилиб мингсансиз.

— Сиз сотинг десангиз текинга ҳам бераверамиз, — деди Нурилла Қодиров кулиб.

— Акам бўласиз. Сиздан текинга олмайман. Шунинг учун бир суҳбатлашиб «от»нинг савдосини келишиб олсам дейман.

Нурилла Қодиров хаёлидан ўтказди. Бош ҳисобчининг ўринбосари унча-мунча муаммони ҳал қилса керак. Тумандаги ҳар қандай фермер «Музработ пахта» ОТАЖ раҳбарлари билан ўйлаб гаплашди. Бу ҳам раҳбар. Кузда пахта топшириш пайтида оёғини тираб олса, иш чаппасига айланиб олий навли пахта учинчи навга айланиши ҳеч гап эмас. «Тико»нинг пулини фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб берса «от»нинг янғисидан оламан.

Оралан бир ҳафта ўтмай Шерали Бегматов Нурилла Қодировга «Тико» ҳақидаги хангомани эслатди.

— Мен рози. 15 млн. 154 минг сўмини ҳисобимга ўтказиб берсангиз, кузда пахта топшириш пайтида битта-иккита илтимосларни бажарсангиз бўлди.

— Э, шу ҳам муаммо бўлибдими? Мен розиман. Кузда қандай муаммо бўлса, ҳал қиламиз. Бундан ўйланманг.

Савдо пишиди. Кўп ўтмай Ш.Бегматов «Аъзамова Азиза» фермер хўжалиги ҳисобига «Музработ пахта» ОТАЖ ҳисобидан «пахта ҳосили учун 23 транш учун тўлов» дея қалбаки ҳужжат билан 11 млн. 154 минг сўм пулини ўтказиб берди.

Шерали Бегматов сирли ишлари фош бўлиб қолишдан қўчиб, «Тико»ни жияни Фуқрат Чоршанбиев номига расмийлаштирди. Ишнинг ҳамирдан қил суғургандек битганидан хурсанд бўлган Ш.Бегматов «жиян»нинг «Тико»сида юрадиган, «от» қуллук бўлсин, деганларга, биздек фақирларга «от» қайда, жияним Фуқратниқки, деб жавоб берадиган бўлди.

Департаментнинг Музработ туман бўлими ходимлари томонидан «Музработ» ОТАЖда Вазирлар Маҳкамасининг «Республика пахта тозалаш санаетини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги» қарорининг ижроси юзасидан текшириш ўтказэётганда Шерали Бегматовнинг Нурилла Қодиров билан қилган «сирли ишлари» очилиб қолди.

Судда Ш.Бегматов ҳатто жамият бошқаруви раиси ўринбосари Абдулло Ачилдиевнинг имзосини ҳам қалбакилаштирганни тан олди. Пайқоний иш қилмоқчи бўлган фермер Н.Қодиров ва Ш.Бегматов конуний жазосини олди.

Ч.ХОЛИКОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаментининг Музработ туман бўлими бошлиғи



30 МИЛЛИОН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНДИ

Тайвань бош вазири ўринбосари ҳамда ташқи ишлар вазири давлат маблагларининг талон-торож қилиниши юзасидан жанжал кучайгач, истеъфого чиқишмоқда. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, гап Папуа-Янги Гвинея ҳукумати учун мўлжалланган 30 млн. АҚШ доллари устида кетмоқда. Қайд этиш жоизки, Папуа-Янги Гвинея ҳукумати Хитой Халқ Республикасининг Пекиндаги ҳукумати эмас, балки Тайвань расмийларини тан олган.

Маълумотларда айтилишича, дотация учун мўлжалланган маблаглар икки ҳукумат ўртасида воситачилик қилаётган тadbиркорлар — сингапурлик Ву Шицзяо ҳамда тайванлик Чинг Чичулар томонидан талон-торож қилинган. Бу ҳолат ўтган ҳафта Сингапур суди томонидан Ву ҳамда Чингларнинг банкдаги умумий ҳисоб-рақамини музлатиш тўғрисида қарор чиқарилгандан сўнг ошқор бўлди.

Уртадаги воситачилардан бирига пуллари нўлланган Тайвань бош вазирининг ўринбосари Цзю Ихэнь ўз лавозимидан тергов ҳаракатларига тўқилиш қилмаслик учун кетаётганини айтиб, тез орада бу ишда унинг айби йўқлиги исботланишига умид билдирди. Тайвань Президенти Чень Шуйбянь адлия органларига мазкур ҳолатни тергов қилишни топшириб, бу воқеа мамлакат, ҳукумат ва ҳукмрон «Демократик ривожланувчи партия» оғурига жиддий пўтур етказишини тан олди. Мазкур жанжал Чень маъмурияти учун навбатдаги зарба бўлди. Сал аввалроқ бўлиб ўтган парламент ва президентлик сайловларида унинг тарафдорлари мағлуб бўлишганди. 20 май куни Ченни президентлик сайловларининг голиби, «Гоминьдан» партияси вакили Ма Инцзю алмаштириши керак.

Стритрейсорлар ушланди

Стритрейсорлар ҳаракати тарафдорларининг сони тобора ортиб бормоқда. Стритрейс, автомашинада шаҳар кўчалари бўйлаб, юқори тезликда ҳаракатланиш маъносини беради. Кўплаб мутахассисларнинг фикрича, буни спортнинг экстрим тури деб атаса ҳам бўлар экан. АҚШ, Канада, Буюкбритания ва хитойлик тўққизта стритрейсор Швейцарияда ҳибсага олинди. Улар жамоат шоссесидан соатига 200 километр тезликда ҳаракатланишган.

Цюрих полицияси маълумотида айтилишича, Миландан Парижга йўл олган стритрейсорларнинг барчаси немис, италян ва инглиз автоконцернларида ишлаб чиқарилган қimmatбахў автомашиналарда бўлишган. Жаҳон статистикасига кўра, йил сайин стритрейсорларнинг «фаолиятдан» қурбон бўлаётганлари сони ортиб бормоқда.

Шу боис кўпгина давлатларда мазкур экстрим ҳаракат ман этилган, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.



БОШ ВАЗИР ИСТЕЪФОСИ

Ирландия бош вазири Берти Ахерн истеъфого чиқди. Таъкидлаш жоизки, у ўз истеъфоси тўғрисида бундан бир ой олдин эълон қилганди. Айнан ўша вақтда коррупциядан жанжал авжига чиқиб, у ерда Ахерннинг исми ҳам тилга олинган. Воқеалар ривожини бундай тус олган, бош вазири истеъфого чиқишни афзал кўрди. 1990 йилларда катта миқдорда пора олганликда айбланаётган Ахерн ўзига қўйилаётган айбларни рад этмоқда.

Берти Ахерн 1996 йилда Ирландия бош вазири этиб сайланганди. Ушандан бун у уч маротаба қайта сайланиб, Европа сиёсати учун рекорд ҳисобланган 11 йил давомида ҳукуматни бошқарган. Ахерн даврида мамлакат иқтисодий жиҳатдан қўққизларга эришган, шунингдек, Ирландиядаги сиёсий вазиятни барқарорлаштиришда ҳал этувчи қалам санаммиш Белфаст битими имзоланган. «France Presse» ахборот агентлигининг хабари беришича, Ахерн Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр сингари Европа иттифоқи президентлигига ўз номзодини қўймоқчи экан.

Оғуфруруш талабалар

Сан-Диего университетининг 75 нафар талабаси наркотик моддалар билан савдо қилганида гуно қилиниб, қамоққа олинди. Тинтув вақтида уларда икки килограмм кокаин, 350 та «экстази» таблеткаси, метамфетаминлар, гашиш мойи, галлюциноген кўзқоринлар, бир неча ўқотар қуроллар ва 60 минг доллар миқдорда нақд пул топилган. Калифорния полицияси томонидан ўтказилган махсус операция давомида жами 96 киши ушланган. Тергов давомида аниқланишича, университетда фаолият кўрсатадиган «Theta Chi» талабалар ташкилотидан наркотиклар савдосининг очик ахборот канали ишлаб турган, савдонинг ўзи эса тўлиқ конвейер шаклига келтирилган.

Бир йил аввал талабалардан бири наркотик дозасининг ошиб кетиши натижасида ўлганидан сўнг биринчи гунон пайдо бўлганди. Операция ўтказилишига тайёргарлик кўрган Федерал тергов бюроси ҳамда полициячилар наркосавдогарлар билан 130 маротаба олдиротти қилишган. Барча далиллар тўплангач, операциянинг якуний қисмига ўтилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллариининг қайд этишича, ҳибсага олинганлар орасида жиноий ҳуқуқ курсини тасомлаётганлар ҳамда келажақда миллий хавфсизлик магистри бўлишига тайёрланаётган талаба ҳам бўлган. АҚШнинг энг катта олийгохларидан бири бўлиш Сан-Диего университетиде жами 34 минг киши таҳсил олади, деб хабар қилади «AP» ахборот агентлиги.



Германия ғарбининг Шимоллий Рейн-Вестфалия ерида жойлашган Венден шаҳарчасида 18 ёшли ўспирин уйдаги музлатгични очиб, у ердан учта чақалоқ жасадини топиб олган. «The Guardian» нашрида ёзилишича, ота-онаси уйда бўлмаган вақтда, ертўладаги музлатгичдан

Музлатгичдаги жасадлар

пицца излаб кўрмоқчи бўлган ўспирин, музлатгичнинг энг тагига етиб боради ва у ерда пластик пакетларга уралган чақалоқларнинг жасадини кўради. Бола ота-онаси қайтган, уларга топилмаганини кўрсатади.

Эртаси куни ўспириннинг 44 ёшли онаси турмуш ўртоғи ва қизи билан полиция маҳкамасига келиб, қотиллик жиноятига иқроб бўлади ва ўзини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакилларига топширади. Полициячиларнинг айтишича, аёл жуда кучли шок ҳолатида бўлгани учун у билан савол-жавоб қилиб бўлма-

япти. Чақалоқларнинг жасади суд-медэкспертлар томонидан текширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги вақтда Германияда бундай воқеалар бир неча бор қайта этилган. Мисол учун, 2006 йилда ўзининг 8 нафар янги туғилган фарзандларини ўлдиргани учун бир аёл 15 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. 2008 йилнинг январиде эса 28 ёшли немис аёли уч нафар чақалоқни ўлдирганликда айбланган. Февраль ойида Германия шимолидаги уйлардан бирининг ертўласидан чақалоқ жасади топилган.

«Наргис»нинг хужуми

«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, ўтган ҳафта Мьянмада рўй берган табиий офат натижасида бедарак йўқолишларнинг сони 30 минг, ҳалок бўлганлар эса 15 минг кишини ташкил этди. «Наргис» номли циклон катта куч билан Мьянма қирғоқларида урилган. Ирравади дарёси дельтасида жойлашган Богалай шаҳри уч ярим метрдан баландроқ тўлқин натижасида 95 фоизга яқин бўлиб, 10 минг киши қурбон бўлган. БМТ маълумотларида айтилишича, циклон натижасида 100 минглаб одамлар бошланасиз, ичимлик сувисиз қолган. Инсонпарварлик ердими етказиб беришда ҳам жиддий муаммолар туғилаяпти. Чунки пойтахтдаги халқаро аэропорт ишдан чиққан.



Табиий офатларга қарши кураш халқаро стратегияси вакиллари циклоннинг қачон ва қаерда юзга келиши, унинг ҳаракатлини траекторияси ва тезлиги хусусида аниқ маълумотларга эга бўлишмаганлигини маълум қилдилар.

АҚШнинг Луизиана штатида жойлашган, мамлакатдаги энг катта қамоқхоналардан бирида катта қора айиқ кўним топган. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, қамоқхонадан қочиниш ният қилиб қўйган маҳкум атрофдаги вазиятдан хабардор бўлиш мақсадида муассаса ҳудудини кузатаётганда айиқни кўриб қолган. Шундан кейин у

ҚўРИҚЧИ АЙИҚ

қочиб фикридан қайтиб, қамоқхона раҳбариятини топилма тўғрисида огоҳлантиради. Бу ҳолат муассаса маъмуриятига жуда ёқиб тушди.

Уларнинг айтишича, эндиликда ҳеч қим ташқарида, баҳайбат йиртқич юрганлиги боис қочинишга уринмайди. Янги Орлеандан 180 километр ши-

моли-шарқда жойлашган Луизиана қамоқхонаси 70 минг квадрат километр майдонни эгаллайди. Унинг аксарият қисмида ферма шаклида қурилган қамоқхона комплекси жойлашган. 15 минг квадрат километри эса ўрмондан иборат. Ушбу қамоқхона 5 мингта маҳкум сақланади.

«Террорчи» наркоман экан

Кишинёв яқинидаги Бубуечь қишлоғида одамларни гаровга олганлиги ҳақида полицияга хабар берган шахс ушланди. Дастлаб у Молдавия ички ишлар вазири Валентин Межинский билан учрашишни талаб қилиб, кейин Кишинёв ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари вакиллари билан музока-

ралар олиб боришга рози бўлган. Полициячилар ҳеч қандай гаровдагилар йўқлигини аниқлаб, «сохта» террорчи ушланди. Тинтув жараёнида унинг ёнидан ҳеч қандай портлаткич ҳам, қурол ҳам чиқмаган. Маълумотларда айтилишича, у 11 йилдан бери наркодиспансер ҳисобида турар экан.

«Internet» хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ЯНГИ ҚўЛЛАНМА



Зарий ва амалий қўлланмада фукаролик процессида прокурор иштирокига доир илмий-назарий ва амалий масалалар, мавзуга оид схемалар, тест ва масалалар тўплами, прокурорнинг фукаролик суд ишларини юритишдаги иштирокига оид мамлакатимиз ҳамда ҳамдўстликдаги айрим давлатлар кўнун нормаларининг ўзбек ва рус тилидаги қиёсий жадвали, фукаролик процессида прокурорнинг процес-

суал ҳужжатларидан намуналар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қароридан кўчирмалар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғи ҳамда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланма фукаролик ишлари бўйича судьялар, прокурорлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходимлари учун муҳим қўлланма вазифасини ўтайди. Процессуал ҳуқуқ соҳасида

илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган тадқиқотчилар, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув қурслари ҳамда Республика Юристар малакасини ошириш маркази тингловчилари учун ҳам мўлжалланган. Шунингдек, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари томонидан «Фукаролик процессида прокурор иштироки» мавзусини ўқитишнинг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда қизиқарли ўтказишга қўмаклашади.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси **Нонна РАДЕННИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси солиққа оид қонунчилик ижроси устидаги назорат бўлими прокурори Адизжон Холиқовга волидан муҳтарамаси **САБОҲАТ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардик изҳор қилади.

(Давоми.)

Бошланиши ўтган сонда).

— Сен сабаб, сен! — униси йиғлаётган, кўзларидан тирқираб ёш оқаётган Холбекни тундан зўрга ажратиш олишди. Холбек Нигорани ҳеч кимга сездирмай, ўзиданда ортиқ севганини ўшанда билди.

— Унда нима гуноҳ?! Палакат, шопирди кайфи борақан... Қаҳқор Нигора билан булоқни ортада қолдириб, ёнма-ён бораётганини билди, холос. Кейин нима бўлганини эслолмасди. «Унинг ўрнида мен бўлишим керак эди...»

— Нима дейсиз?— ҳайдовчи магнитофоннинг овозини пасайтирди.

— Ҳазим, шунчаки...

У кўзларидан сизиб чиқаётган ёшни сезмасди. Етгинчи синфда ўқибган яқка-ю ёлғиз ўғлини жонидан ортиқ кўрарди. «Худо хоҳласа, Америкада ўқийсан», деб уни қизиқтириб қўйган, инглиз тили ўқитувчисини ёллаганди. Бўлар-бўлмас галвалардан безиб, кечки пайтлари гўё Нодир билан тил ўргангани қатнади. Муаллима эрининг шохмотта суяги йўқ эди. Ўртага «яримта» тикиб, дона суришади. Гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг қўли баланд келади. Қаҳқор турмуш ташвишларини унутиб, қақшаган асабларига дам беради.

— Билишимча, белингиз бақувват экан, — деди бир гал хонадон эгаси. — Бир иш қимаймизми?

Қаҳқор унга савол назари билан боқди.

— Ҳозир нима кўп, қурилиш қилаётган кўп. Ёғоч-тахта эса анқонинг уруғи. Барнаул тарафларга қиёз-миёз босиб, ўрнига тахта опкесангиз борми, фойданинг тагида қоласиз!

Бунақа таклифларни эшитта-вериб суяги қотиб кетган Қаҳқор арқонини узун ташлади.

— Бошланишига жиндай даст-моя бўлса бас. У ёғни менга қўйиб бераверасиз...

— ...

— Йўқ, ҳаммаси законий бўлади, — давом этди у бўлажак

шеригининг тараддуланаётганини сезиб. — Битим, ҳужжатлари ўрни-ўрнида...

Дастмояни кўлга киритган «шерик» Барнаулга жўнаганча ярим йилдан кейин шумшайиб қайтди. Халигача «ўрнини қиб бераман», деб юрибди. «Ушанинг оёғи тагидан чиқдими бу иш? Қилар ишни қилиб, менга тўнқайд-ю, бош оғригидан қутулади. Бунчаликка бормас, тагин ким билди?...»

Барибир чарчоқ енгди. Қаҳқор ухлаб қолди. Тусатдан олдинга мункиб, пешонасини олди ўриндиққа урди. Уйқусираб кўзларини очганда катта йўл бўйида тўхтаб туришар, турли-туман, ранго-ранг машиналарнинг оқими зулмасди. У ҳайдовчини излаб, аланглаб, орқа ойнага ўтирилди. Миллионерлар... Ҳайдовчи эса кўринмади. Бир неча сонияда тунги даҳшатлар кўз ўнгидан яхлит ўтди-ю, юрагини ваҳима чул-

ти, деб ҳаёлидан ўтказди ҳайдовчи. — Тўхта дейман, ҳов номард! Кўнглим сезганди-я, сал анақа-роқлигини!

нигоҳини қадаб турарди. Шишани қарсиллатиб полга урди: «қул-луқ бўлсин, тўйдан беҳабар қол-майлик, тагин!»

— Ха, энди, ёлғизлик жонга теғди...

— Ажрасан, ўзим оламан, деб қўйинми пуч ёнроққа тўлдирган эканлар-да! — Мунира газабдан кўкариб кетди. — Ҳеч қанақа тўй бўлмайди!

Холбек йиғлаб-сиқтаса керак деб уйлаганди-ю, бунақа гапларни кутмаганди. Уни «оламан» деб ваъда берганини эслай олмасди. Ким билди, балки қўйинга кириб юрган кезлари бу гапни ичидан сугуриб олгандир! Шу топда «Эй, мунча нарҳингни оширасан, Қаҳқорга

қасдма-қасд илакишганман сенга» деб юбораёзди-ю, тилини тиш-лади.

— Битта ип билан боғланганмиз, осонликча узиб ташлолмай-сиз. — Мунира тобора овозини баланглади, тўхтатмай шағил-ларди. — Майли, уйланаверинг ўшанга! Аммо билиб қўйинг, уйизга бориб ётволаман!...

«Қаҳқорга бекор ҳасад қилиб юрган эканман», илк бор ўзига ўзи икром бўлди у. Аслида болаликдан ҳар гал Қаҳқорнинг омади кулиб боққанда ичини ит таларди-ку! Нигоранинг кўзлари ҳам

Қаҳқорни кўрарди, холос, уни назарига илмасди. Холбек икковини кўрганга рашк оловида куйиб-ёнар, бироқ ичигагини сиртига чиқармасди. Юрагидаги рашк, ҳасад адоватга айлана боргани сари Қаҳқорга яқинроқ дўст тутинарди. У эса ҳеч гапдан беҳабар, дўсти учун жонини аямасди. Холбек ишсиз қолиб, умидсизлик ва тушкунликка берилиб юрган кезлари тагин уни ўз қанотига олди. Қаҳқорнинг Нигорадан қолшмай-диган Мунирадай соҳибжамол ёри билан танишган, миллион-миллион сўмларни «айлангир» тагининг шохиди бўлган Холбек эна «нега Мен эмас У» деб куйиб ёнди. Қаҳқор гарчи уни ўзи билан тепла-тенг кўрса-да, унинг ҳар бир сўз охангида ўзи камситилаётгандай туюларди Холбекка...

— Ҳали тўй бўлди-ю, уйландим-у...

— Эримнинг олдида тили қисик жойим йўқ энди. Энди бегонамиз. Энди ким орамизга совуқчилик туширгани, энди ким лимоналга ароқ аралаштириб, мастлигимда йўлдан ургангани очик айтавераман! Ишонган тоғи хотинига бор бисотини тортиб олиш ҳақида маслаҳат бериб юрганни билиб олсин энди!...

Холбекнинг қўлидаги пичоқ қон, Мунира қимирламай ётарди. «А-а-а!» чинқириб хушига келтирган Холбекнинг кўзи Нодирга тушди. Беихтиёр унга қараб юрди. Нодир гўё тилини ютиб юборган, даҳшат тўла кўзларини унга тикиб, ортига тисариларди...

Майда шиша синиги Холбекнинг товонини жизиллатди. Бечос Мунира билан Нодирнинг кўзлари умрининг охиригача таъқиб этишини англаб етди. На Қаҳқордан мерос қолган, тобора юксалаётган фирманинг салобати, на атрофида гирдиқалапақ одамларнинг ҳамду санолари, на кайфу сафолар кўксидидаги доғни ювиб юбора олмаслигини тушунди-ю, ҳеч бўлмаса бир лаҳза ўз-лигини унутиш учун бошқа шишанинг оғзини очди...

...У музлатгичдан шишани олди. Шишадан Мунира ўқдай

қасдма-қасд илакишганман сенга» деб юбораёзди-ю, тилини тиш-лади.

— Битта ип билан боғланганмиз, осонликча узиб ташлолмай-сиз. — Мунира тобора овозини баланглади, тўхтатмай шағил-ларди. — Майли, уйланаверинг ўшанга! Аммо билиб қўйинг, уйизга бориб ётволаман!...

«Қаҳқорга бекор ҳасад қилиб юрган эканман», илк бор ўзига ўзи икром бўлди у. Аслида болаликдан ҳар гал Қаҳқорнинг омади кулиб боққанда ичини ит таларди-ку! Нигоранинг кўзлари ҳам

Қаҳқорни кўрарди, холос, уни назарига илмасди. Холбек икковини кўрганга рашк оловида куйиб-ёнар, бироқ ичигагини сиртига чиқармасди. Юрагидаги рашк, ҳасад адоватга айлана боргани сари Қаҳқорга яқинроқ дўст тутинарди. У эса ҳеч гапдан беҳабар, дўсти учун жонини аямасди. Холбек ишсиз қолиб, умидсизлик ва тушкунликка берилиб юрган кезлари тагин уни ўз қанотига олди. Қаҳқорнинг Нигорадан қолшмай-диган Мунирадай соҳибжамол ёри билан танишган, миллион-миллион сўмларни «айлангир» тагининг шохиди бўлган Холбек эна «нега Мен эмас У» деб куйиб ёнди. Қаҳқор гарчи уни ўзи билан тепла-тенг кўрса-да, унинг ҳар бир сўз охангида ўзи камситилаётгандай туюларди Холбекка...

— Ҳали тўй бўлди-ю, уйландим-у...

— Эримнинг олдида тили қисик жойим йўқ энди. Энди бегонамиз. Энди ким орамизга совуқчилик туширгани, энди ким лимоналга ароқ аралаштириб, мастлигимда йўлдан ургангани очик айтавераман! Ишонган тоғи хотинига бор бисотини тортиб олиш ҳақида маслаҳат бериб юрганни билиб олсин энди!...

Холбекнинг қўлидаги пичоқ қон, Мунира қимирламай ётарди. «А-а-а!» чинқириб хушига келтирган Холбекнинг кўзи Нодирга тушди. Беихтиёр унга қараб юрди. Нодир гўё тилини ютиб юборган, даҳшат тўла кўзларини унга тикиб, ортига тисариларди...

Майда шиша синиги Холбекнинг товонини жизиллатди. Бечос Мунира билан Нодирнинг кўзлари умрининг охиригача таъқиб этишини англаб етди. На Қаҳқордан мерос қолган, тобора юксалаётган фирманинг салобати, на атрофида гирдиқалапақ одамларнинг ҳамду санолари, на кайфу сафолар кўксидидаги доғни ювиб юбора олмаслигини тушунди-ю, ҳеч бўлмаса бир лаҳза ўз-лигини унутиш учун бошқа шишанинг оғзини очди...

...У музлатгичдан шишани олди. Шишадан Мунира ўқдай

қасдма-қасд илакишганман сенга» деб юбораёзди-ю, тилини тиш-лади.

— Битта ип билан боғланганмиз, осонликча узиб ташлолмай-сиз. — Мунира тобора овозини баланглади, тўхтатмай шағил-ларди. — Майли, уйланаверинг ўшанга! Аммо билиб қўйинг, уйизга бориб ётволаман!...

«Қаҳқорга бекор ҳасад қилиб юрган эканман», илк бор ўзига ўзи икром бўлди у. Аслида болаликдан ҳар гал Қаҳқорнинг омади кулиб боққанда ичини ит таларди-ку! Нигоранинг кўзлари ҳам



А доловит

гади. «Мени қидиришяпти...» Нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, машинадан тушди-да, олдинга қараб кетаверди. Ўн қадамча юргандан кейин уни кимдир чақирди. Балки унга шундай туюлгандир. Юрагининг туб-тубидан, «тўхта, ортинга қайт», деган нидо келар, бироқ оёқлари ўзига бўйсунмай, тобора илдамларди. Назаридан, уни изма-из таъқиб қилишяётгандай, ҳозир етиб олиб, қўлларига кишан солишадигандай... У чоғиб кетди!

Шубҳа-гумонларини гўё тасдиқлаган ҳайқиринчи эшитиб, Қаҳқор йўлнинг ўртасига югурди. Ортидан узилажак ўқлардан йўлнинг ўртасидаги бетон айир-чиқирди. Балки унга шундай туюлгандир. Юрагининг туб-тубидан, «тўхта, ортинга қайт», деган нидо келар, бироқ оёқлари ўзига бўйсунмай, тобора илдамларди. Назаридан, уни изма-из таъқиб қилишяётгандай, ҳозир етиб олиб, қўлларига кишан солишадигандай... У чоғиб кетди!

«Қаҳқорга бекор ҳасад қилиб юрган эканман», илк бор ўзига ўзи икром бўлди у. Аслида болаликдан ҳар гал Қаҳқорнинг омади кулиб боққанда ичини ит таларди-ку! Нигоранинг кўзлари ҳам



ХОТИРА АБАДИЙДҲ

ишларини бугунги кунда шогирдлари ва ҳамкасблари муваффақият билан давом эттираётганлари устозлар иши, анъаналарига садоқат белгисидир.

Вилоят прокурори вазифасида меҳнат қилган, марҳум А.Отажонов оиласи томонидан таъсис этилган «Энг адолатли жамоа» совғасига вилоят маҳкамаси жамоаси, вилоят прокурори ўринбосари вазифасида меҳнат қилган, марҳум Т.Охунов оиласи томонидан таъсис этилган «Энг камтар жамоа» совғасига Қўқон шаҳар прокуратураси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори вазифасида хизмат қилган марҳум М.Абдуллажонов оиласи номидан таъсис

ва ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Учрашувлар натижасига кўра 1-ўринни вилоят прокуратураси маҳкамаси, 2-ўринни Фурқат туман прокуратураси, 3-ўринни Олтиариқ туман прокуратураси жамоаси эгаллади. Ҳоллар эрлик ва қиммат-

руҳим менинг уйғоқдир, Сен унутлма, охиратда ҳар дақиқанг сўроқдир, Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман, Жондан азиз суйган ўғлинг, ҳам қизингда яшайман!..

Яшин ўРИНБОЕМ, Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Суратда: турнир қолибларидан бир гурӯҳи

Huquq
yuridik gazeta
Ta'asischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV
Tahrir hoy'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Γ — 455. 21 933 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **Sh. YODGOROV**
Musahhibi: **A. MUSTAFOYEVA**
Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Karxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda